

КИЧИК БИЗНЕСНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ

*Рўзиева Дилобар Исомжоновна –  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси доценти, и.ф.н.*

**Аннотация:** Мақолада муаллифнинг кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини инвестициялаш жараёнини ташкиллаштиришда давлатнинг роли ўрганилган ва таҳлил қилинган. Бунда кичик бизнес тадбиркорлик фаолиятини инвестициялашни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмлари, давлат томонидан олиб бориладиган вазифаларни бажаришда унинг қонун ва қарорларига бозор қонуниятлари талабларидан келиб чиқиб амал қилиш хусусиятлари хусусида гапирилган.

**Калит сўзлар:** Кичик бизнес, тадбиркорлик, инновацион ғоя, инвестиция, меҳнат бозори, ишчи кучи, хусусий сармоя, иқтисодий инқироз, кредит, пул-кредит механизми, ишлаб чиқариш.

РОЛЬ ГОСУДАРСТВА В ОРГАНИЗАЦИИ ИНВЕСТИЦИОННОГО ПРОЦЕССА МАЛОГО БИЗНЕСА

*Рузиева Дилобар Исомжоновна –  
Ташкентский государственный экономический университет  
доцент кафедры “Отраслевая экономика” к.э.н.*

**Аннотация:** В статье исследуется и анализируется роль государства в организации процесса инвестирования в деятельность субъектов малого бизнеса. Обсуждаются экономические механизмы государственного регулирования инвестиций в малый бизнес, особенности реализации его законов и решений в соответствии с требованиями рыночного права при выполнении государственных задач.

**Ключевые слова:** малый бизнес, предпринимательство, инновационная идея, инвестиции, рынок труда, рабочая сила, частные инвестиции, экономический кризис, кредит, денежно-кредитный механизм, производство.

THE ROLE OF THE STATE IN ORGANIZING INVESTMENT PROCESS OF SMALL BUSINESS

*Ruzieva Dilobar Isomjonovna –  
Tashkent State University of Economics  
Associate Professor of “Sectoral economics” i.f.d.*

**Annotation:** In this article was examined and analyzed the role of the state in the organizing investment process at the activities of small businesses. The economic mechanisms of state regulation of investments in small business, the peculiarities of the implementation of its laws and decisions in accordance with the requirements of market law in the implementation of state tasks was discussed.

**Key words:** small business, entrepreneurship, innovative idea, investment, labor market, labor force, private investment, economic crisis, credit, monetary mechanism, production.

**Кириш.** Мамлакат иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар амалга ошириладиган бир вақтда, иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларида ривожланиш, иқтисодий мустақилликка эришиш, унинг барқарорлиги, мустаҳкамлиги, доимо янгилашга ва ўз-ўзидан такомиллашиб боришга қодирлигини таъминловчи шарт-шароитларнинг яратилаётганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунда, кичик бизнес тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ўрни бекиёсдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, “Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз – кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий кудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш берилган иборат [1].

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё амалиётига назар солсак, кичик бизнес тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, мазкур жараёнларнинг самарадорлигини ошириш, давлатнинг тартибга солиш объекти сифатидаги кичик бизнеснинг ишловчилар сони жиҳатидан мезонларини аниқлаштириш, кичик бизнес учун қулай ишчан муҳитни яратиш, тартибга солишнинг пул-кредит механизмларидан самарали фойдаланиш, унинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокни кучайтириш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасидаги имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, инновацион ғоялар ва технологияларни амалиётга жорий этишни фаоллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу билан биргаликда, кичик бизнес тадбиркорлик субъектлари ижтимоий бандлик

муаммосини ижобий ҳал этишга ёрдам бериши, жамиятда ижтимоий тангликни камайтиришга имкон беришини инobatга олсак, кичик бизнес тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида уни инвестициялаш механизмни такомиллаштириш катта аҳамиятга эга[7]. Мазкур механизмдан самарали фойдаланиш ҳисобига мамлакатимизда фаолият юритувчи кичик бизнес тадбиркорлик субъектларининг сонини ошириш мумкин. Бу мамлакатимизнинг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлик имкониятларини кучайтиришга ва мавқеини оширишга хизмат қилади ва бунда давлатнинг иқтисодий бошқарувидаги ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Кичик бизнес тадбиркорлигини самарали фаолият юритиши борасида қатор иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида кенг маълумотлар келтириб ўтилган. Мисол учун, В.Г. Басарева (Россиялик олим) нинг илмий ишида [2], кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида давлатнинг худудий сиёсатини ишлаб чиқиш масалалари келтириб ўтилган. Ўзбек олимлардан Ё.Абдуллаев, Ф.Каримовларнинг илмий ишида[3], кичик бизнес ва тадбиркорликнинг назарий, ташкилий ва иқтисодий томонларига асосий эътибор қаратилган. М.М. Абдурахмонов [4] ва У.В. Гафуровнинг[5] ишларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, қўллаб-қувватлаш масалалари, уларнинг мамлакат иқтисодийотидаги роли, ривожланиш динамикаси ва унинг хусусиятларига эътибор берилган. Аммо кичик бизнес тадбиркорлигини инвестициялаш жараёнини жаҳон тажрибаси талаблари даражасида таҳлил қилишга эътибор берилмаган.

**Тадқиқот методологияси.** Мақола мавзуси кичик бизнес тадбиркорлигини инвестициялаш жараёнини ташкил қилишда давлатнинг ўрнини очиб беришга қаратилган бўлиб, аввало мавзу долзарблиги асосланди, ушбу соҳа бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ишлари ўрганилди. Дунё амалиётига бир назар солиб, кичик бизнес тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ва мазкур жараёнларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган ҳолатлари ўрганилди. Ҳар қандай тадқиқотда уни амалга оширишнинг дастлабки босқичи мақсадларни белгилашдан иборат [6]. Муайян вазифалар тадқиқот усулларини тўғри танлашга имкон беради. Тадқиқот давомида анализ[8] ва синтез[9], индукцион ва вербал шарҳлаш[10], статистик жамлаш[11], гуруҳлаш[12] сингари усуллардан кенг фойдаланилди. Уни таҳлил қилишда қиёсий таҳлил, тузил-

мавий таҳлил ва монографик таҳлил усуллардан фойдаланилди ва таклифлар ишлаб чиқилди.

#### Таҳлил ва кутилаётган натижалар.

Маълумки, мамлакат иқтисодиёти бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, турли мулкчилик шакллари асосида фаолият олиб боради ва бунда давлат нафақат турли мулкчилик шаклларида ишлаб чиқариш жараёнида қатнашаётган мулкдор субъектларнинг унга бўлган эгаликларини ҳимоя қилади, балки кичик бизнес тадбиркорлик субъектларининг мулкий муносабатларини ҳам давлат томонидан қабул қилинган қонун ва қарорлар асосида тартибга солиб боради[13].

Буни биргина, 2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг даромадлар прогнозида 200 млрд сўм бюджет трансфертини ажратилганлигидан ҳам кўриш мумкин[14]. Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан моҳияти ва унинг амалга оширадиган вазифалари тубдан ўзгаради. Давлатнинг бошқарув механизмлари аҳолини иқтисодий-ижтимоий ҳолатини яхшилаиб боришини таъминловчи умумхалқ манфаатини ифодаловчи субъект сифатида турли мулкчилик шаклларига асосланган кичик бизнес тадбиркорлик субъектларини иқтисодий ривожланишини ташкил этишда нафақат уларнинг иқтисодий манфаатдорликларидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантиради балки, аҳолининг умумий ижтимоий-иқтисодий манфаатдорликларини таъминлаш орқали ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этади ва уни олиб бориш учун ҳуқуқий ташкилий, иқтисодий ва меҳнат ресурсларига бўлган талабларни қондиради.

Кичик бизнес тадбиркорлик субъектлари мустақил равишда ишлаб чиқариш жараёнларини олиб борсаларда ўзларининг ўринларини нафақат ички балки ташқи истеъмол бозорларида рақобатбардош товарлар билан қатнашувини таъминлашда ҳам, давлат томонидан олиб бориладиган вазифаларни бажаришда ҳам давлатнинг қонун ва қарорлари асосида ўз фаолиятларини тартибга солиб борадилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат ва нодавлат корхоналар шу жумладан, кичик корхона ва микрофирмалар иқтисодий фаолиятининг қандай даражада самарали ёки самарасиз ҳолатда бўлишига жавобгарлик қилмайди, чунки улар мустақил равишда ўз иқтисодий фаолиятларини олиб борганликлари учун уларнинг ўзлари иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан жавобгар ҳисобланадилар. Давлат кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан қабул қилинган мажбуриятларини бажарилиши ва бажарилмаслиги бўйича улар томонидан олинган

мажбуриятларга жавоб бермайди. Аммо давлат механизмлари орқали уларнинг фаолияти назоратга олинади.

Биргина 2020 йилда фаолият олиб бораётган кичик тадбиркорлик субъектларининг ЯИМдаги улуши 53,9 %ни ташкил қилиши, кичик тадбиркорлик субъектларининг сони ҳар 1000 аҳолига нисбатан 15,6 бирликни ташкил этиши, бу кўрсаткич 2019 йилда 13,3 бирликда, 2018 йилда эса 13,2 бирликни [9] ташкил қилганлиги фикримиз исботидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш жараёнлари билан шуғулланувчи кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти учун давлат томонидан яратиладиган шарт-шароитлар талаб ва таклиф қонунларига асосланган ҳолда амалга оширилади. Талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатларни мос равишда тартибга солиш иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан муҳим аҳамиятга касб этади. Шу орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини маҳсулот бирлигига камайтириш асосида унинг таннархини арзонлашиши, уларнинг истеъмол қийматларини арзонлашуви ва улар томонидан кутилаётган фойдани ўсиб боришини таъминлашни давлат ўзининг механизмлари орқали тартибга солади.

Давлат ишлаб чиқариш жараёнини иқтисодий ва ижтимоий равишда ўсиб боришини таъминлашни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқариш субъектлари бўлган давлат ва нодавлат хусусий мулкига асосланган кичик корхоналар субъектлари фаолиятини ривожлантиришга ва улар учун зарур бўлган шароитларни ташкил этишга алоҳида эътиборни қаратади. Шу сабабли ушбу тармоқни инвестициялаштириш зарур. Бунинг учун эса, уларни молиявий маблағлар билан таъминлаш ҳамда ишлаб чиқаришни инновацион усулда ташкил этишга амалий кўмакчи бўлган зарурий маслаҳатлар бериш ва уларни инновацион техника ҳамда технологияларга асосланган ҳолда ишлаб чиқаришини олиб боришни ташкил этишга давлат ўзининг механизмлари орқали яқиндан ёрдам бериш зарур.

Давлатнинг миллий иқтисодиёти тармоқ йўналишларида ишлаб чиқариш фаолиятларини олиб бораётган хўжалик субъектлари бўлган корхоналар, шу жумладан, кичик корхоналар субъектлари фаолиятида ишлаб чиқариш жараёнини тежамкорлик асосида олиб бориш ва иқтисодий манфаатдорликларни ўсиб боришини иқтисодий самарадорлигини таъминлашда ва бу жараёни инновацион равишда ривожланиши учун зарур керакли шароитларни яратишда фаол қатнашади.

Демак, миллий иқтисодиётни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан барқарор ривожланиши-

ни таъминлаш давлат томонидан мамлакатимизни иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини белгилаб берадиган сиёсатга боғлиқ. Сиёсат ва мамлакатни иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланиши ўзаро узвий боғлиқ бўлган ҳолдагина ривожланиш ҳар қандай волюнтаристик иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни олдини олишни таъминлайди. Давлат томонидан қабул қилинадиган иқтисодий ва ижтимоий сиёсат миллий иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминловчи услубият деб ҳисоблаш мумкин.

Шундан келиб чиқиб, бозор иқтисодиёти талабларини эътиборга олган ҳолда иқтисодий ривожланишни барқарорлигини ва самарадорлигини таъминлашда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- давлат томонидан қабул қилинаётган иқтисодий сиёсат бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни давлат ва нодавлат мулкчилигига ва ишлаб чиқариш жараёнини мустақил равишда олиб боришидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинаётган иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган услубиятни ишлаб чиқаришга;

- ишлаб чиқариш субъектларини қандай мулкчилик шаклида эканлигидан қатъий назар уларни бошқарувини мустақил демократик асосда ташкил этишга;

- ишлаб чиқариш субъектлари бўлган корхоналар ҳамда кичик корхона субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни демократлашувини ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан тенглигига асосланиш;

- корхона ҳамда кичик корхона ва микрофирмалар ишлаб чиқариш жараёнини ривожланишини инновацион ҳолатда олиб боришни таъминлаш учун ишлаб чиқариш ва илмий тадқиқот ишларини олиб боровчи субъектлар ҳамкорлигининг ўсиб боришини таъминлаш;

- меҳнат бозори билан таълим бозори ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ташкил топишининг объективлигидан келиб чиққан ҳолда зарур миқдорда ва тегишли йўналишлар бўйича малакали кадрларни тайёрлашга;

- ишлаб чиқариш корхоналарида ва уларга бириктирилган ишчи кучлари ҳисобланган инсон капитали учун зарур бўлган ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни талаб даражасида ривожлантиришга;

- меҳнат фаолиятлари билан боғлиқ бўлган меҳнат ресурслари меҳнатларини бажарган ишларини оддий ва мураккаблигига, сифатига қараб мотивациялаштиришга эътибор бериш зурур.

Бозор иқтисодиётида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқарув муассасаларининг

асосий вазифалари бозор қонуниятлари асосида ташкил топадиган ва ишлаб чиқариш жараёни олиб бораётган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаол ишлашлари учун зарур бўлган ташкилий, иқтисодий ва уларнинг ҳуқуқий асосларини ҳимоя қилиш жараёнлари такомиллаштириб борилади. Бунда, иш берувчи билан ишлашни истовчилар ўртасида ёки ишлаб чиқаришни турли мулкчилик шаклларига асосланган корхоналар билан давлат ташкилотлари ўртасида ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатлар такомиллаштирилади ва шу асосида уларга бўлган талаб ва таклиф ўрганилади, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш асосида иқтисодий инқирозсиз ва самарали фойда олиб ишлаш ташкил этилади. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялаш ва диверсификациялаш асосида инновацион янгиликларни қўллаб янги сифатли рақобатбардош бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, савдо тизимини бозор талаби асосида таклиф этиш ва уни тўғри ташкил этилиши давлат томонидан назорат қилиб борилади [9]. Давлат ва умумжамоатчилик назорат ташкилотларининг асосий иқтисодий ва ижтимоий вазифалари давлат томонидан белгиланган давлат ва аҳолининг истеъмол талабларини тўлиқ қондиришга қаратилган.


Иқтисодиётимизни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, инновацион ва энергияни тежайдиган технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, жаҳон бозорида талаб мавжуд бўлган янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва шу орқали мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашда кичик бизнес

субъектлари фаолиятининг инвестицион сиёсати ўз самарасини бермоқда.

Хусусан, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, замонавий технология асосида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадларига тижорат банклари кичик бизнес субъектларига 2018 йилда 38,8 трлн. сўм ёки 2017 йилга нисбатан 2,4 баробарга кўп инвестицион кредитлар ажратилганлигидан кўриш мумкин. 2020 йилда биргина АТ Ипотека банкдан кичик бизнес субъектларини инвестициялаш учун 5,5 трл сўмлик маблағ ажратилган бўлиб бу ўтган йилга нисбатан 37 % кўп кредит ажратилганлигини кўрсатмоқда [10].

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, шунини айтиш мумкинки, бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодий механизмнинг вазифаси ижтимоий ишлаб чиқаришни, унинг давлат ишлаб чиқариш субъектларидан ташқари хусусий мулкчилик шаклларига асосланган кичик бизнес тадбиркорлиги билан шуғулланаётган ишлаб чиқариш субъектлари фаолиятларини ташкил этишда уларга яқиндан ёрдам беришдир.

Давлат нодавлат кичик бизнес тадбиркорлигини барқарор ривожланишини таъминлашда ўзининг механизмлари асосида ҳамкорлиги билан яқиндан ёрдам бериб боради. Бу ёрдамлар асосан ташкилий жиҳатдан, уларни ҳуқуқий эгаллигини таъминлаш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, унга зарурият бўлган тижорат банклари томонидан кредитлар бериш ва солиқ тўловларини такомиллаштириб бориш бўйича яқиндан ёрдам бериш вазифаларини бажаради. Давлатнинг бозор иқтисодиёти шароитида амалга оширадиган асосий вазифалари 1-расмда келтирилган.




1-расм. Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг асосий иқтисодий механизмлари вазифалари [11]

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжаликлар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқариш жараёнини мустақил равишда ташкил этадилар ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг турларини ўзлари бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда белгилайдилар, маҳсулот бирлиги нархи бозор қонунига асосланган ҳолда аниқланади.

Аммо бу субъектлар ишлаб чиқариш жараёнларини мустақил равишда олиб борсаларда

зарурияти бўлган тақдирда давлат ўзининг механизмлари бўлган тижорат банклари, турли шакллардаги молиявий бирлашмалар томонидан кредитлар бериш орқали назоратга олади. Мисол учун, кичик тадбиркорлик субъектларига ҳамда аҳолига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадлари учун ажратилган кредитлар ҳолатини таҳлилини айтиш мумкин.



1-чизма. Банк кредитларининг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги тақсимоти[12]

Тижорат банклари, турли шакллардаги молиявий бирлашмалар томонидан кредитлар бериш ҳолати давлат томонидан назоратга олинади. Бунда, миллий валютадаги банк кредитлари аҳолига ажратилган кредитларга ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларга ажратилган кредитлар ҳолати таҳлил қилинади. Ушбу кўрсаткичларни яхшилаш жараёни иқтисодиётга хусусий сармояларни рағбатлантиришга қаратилган инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича муҳим чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан хусусий сармояларни рағбатлантириш, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва рақобат муҳитини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Умуман бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес тадбиркорлик корхоналари ишлаб чиқариш жараёнини ривожланишини талаб ва таклиф қонуни асосида олиб боради ва ишлаб чиқариш субъектларининг иқтисодий манфаат-

дорлигини уйғунлашган ижтимоий манфаатдорлик асосида ижтимоий умумхалқ иқтисодий-ижтимоий манфаатдорлик асосида таъминлайди. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат эркин рақобатга асосланган турли мулк эканлигига асосланиб, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва уни инқирозсиз ривожланишини таъминлашнинг ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий механизмларини ифода этувчи маркази бўлиб хизмат қилади.

Давлат томонидан турли мулк шакллари асосланган эркин рақобат асосида ишлаб чиқариш жараёнини иқтисодий услуб асосида ташкил этиш ва уни бошқарувида ички ва ташқи муҳитлардаги зиддиятларни эътиборга олиш ва уларни бартараф этишда миллий иқтисодиётни ривожланиб бориши учун зарур бўлган ишлаб чиқариш, иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш механизмлари асосида ишлаб чиқариш субъектлари ўртасидаги ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатларни яратилишига яқиндан ёрдам беради.

**Кичик тадбиркорлик субъектларига ҳамда аҳолига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадлари учун ажратилган кредитлар [13]**

Давр	Ажратилган кредитлар		шундан:					
			юридик шахсларга		якка тартибдаги тадбиркорларга		аҳолига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун	
			сони	Суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси
1	2	3	4	5	6	7	8	9
<b>2020 йил</b>	<b>281 214</b>	<b>48 389,7</b>	<b>71 883</b>	<b>42 498,4</b>	<b>33 209</b>	<b>2 289,2</b>	<b>176 122</b>	<b>3 602,1</b>
Январь	3 560	2 375,5	1 974	2 238,7	1 057	124,3	529	12,4
Февраль	9 891	786,5	5 103	2 530,5	1 980	191,1	2 808	64,9
Март	19 517	3 548,3	9 208	3 171,8	1 746	181,1	8 563	195,4
Апрель	14 724	3 153,0	5 292	2 915,9	1 044	51,0	8 388	186,1
Май	15 808	2 944,7	4 742	2 672,6	1 529	88,8	9 537	183,3
Июнь	43 813	4 602,8	10 468	3 816,6	6 107	313,4	27 238	472,7
Июль	38 140	3 298,8	6 058	2 538,6	4 546	220,5	27 536	539,7
Август	32 023	3 531,3	5 898	2 852,3	3 593	221,3	22 532	457,7
Сентябрь	29 328	5 016,8	8 481	4 415,8	3 328	243,1	17 519	357,9
Октябрь	23 907	5 749,1	5 271	5 182,5	3 105	233,9	15 531	332,7
Ноябрь	20 113	5 285,1	4 815	4 786,0	2 799	232,8	12 499	266,4
Декабрь	30 390	6 097,9	4 573	5 377,1	2 375	187,9	23 442	532,9
<b>2021 йил</b>	<b>391 724</b>	<b>48 839,1</b>	<b>61 098</b>	<b>40 075,6</b>	<b>23 422</b>	<b>2 592,8</b>	<b>307 204</b>	<b>6 170,7</b>
Январь	8 187	2 727,0	2 645	2 532,4	769	89,8	4 773	104,8
Февраль	28 654	3 560,7	4 412	2 902,4	2 461	253,9	21 781	404,4
Март	55 597	5 876,8	5 767	4 613,7	2 371	251,3	47 459	1 011,8
Апрель	76 599	6 110,3	6 666	4 377,6	3 450	322,4	66 483	1 410,3
Май	61 586	5 265,6	5 664	3 942,1	2 941	280,4	52 981	1 043,1
Июнь	38 147	3 864,2	5 002	2 941,0	2 788	282,4	30 357	640,8
Июль	40 664	5 771,8	17 061	5 145,8	2 312	253,7	21 291	372,3
Август	26 771	4 834,2	4 755	4 188,0	2 285	249,8	19 731	396,4
Сентябрь	34 254	5 765,7	4 966	5 013,2	2 014	287,1	27 274	465,5
Октябрь	21 265	5 062,8	4 160	4 419,2	2 031	322,2	15 074	321,4

Давлат умумишлаб чиқариш жараёнини, шу жумладан, нодавлат мулкига асосланган кичик бизнес тадбиркорлик корхоналарини иқтисодий фаолиятларини ривожланиб боришини ва самарадор бўлишини таъминлашда асосан шу йўналишнинг ривожланишини таъминлаш учун қабул қилинган қонунлар, қарорлар, Президент фармонлари ва қарорлари асосида уларни моддий жиҳатдан олиб бораётган фаолиятларини рағбатлантириш асосида амалга оширадilar. [14]

Давлат томонидан қабул қилинаётган Қонун ва Президент қарорлари бозор иқтисодиёти эркин муносабатлар шароитини ташкил топиши ва ривожланиши товар ва пул муносабатларини эркин ташкил топиши муносабати билан ҳар бир кичик бизнес тадбиркорлик корхона эгаларини ва уларда банд бўлган меҳнат ресурсларини иқтисодий ва ижтимоий шароитларни ишлаб чиқаришнинг якуний, яъни ялпи корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот ҳажмига ва олаётган фойда даражасига боғлиқлигини таъминлашда ўзининг механизмлари билан зарур бўлган шароитларни яратиб беради.

Бу, албатта, ишлаб чиқариш субъектларини ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўл-

ган услубий нормативларга риоя қилган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этишга олиб келади.

Давлат бозор иқтисодиёти қонунларига ва бозорнинг талаб ва таклифларига қараб хўжаликларни, шу жумладан, кичик бизнес тадбиркорлиги билан шуғулланаётган хўжаликларнинг иқтисодий йўналиш ҳолатларини белгилаб беришни таъминлаш йўналишларини белгилаб беради. Улар ўзларининг ижтимоий-иқтисодий фаолиятларини давлат томонидан белгиланган қонун ва қарорлари асосида амалга оширадilar. Давлат қонунлари хўжаликларни олиб боришда, хўжалик муносабатларида иқтисодий муносабатларни ташкил этилишини белгилаб беради ва уларни бозор талаблари асосида такомиллаштириб боришни таъминлайди. Бозор иқтисодиёти шароитида қонунлар асосида ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, уни ривожлантириш ва тартибга солиш самарадорлигини таъминлаш, корхона ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлари меҳнатларини мотивациялаштиришни амалга оширишга қаратилган қабул қилинган қонунлар доирасида амалга ошириш мумкин бўлган эркинлик давлат томонидан тўлиқ кафолатланганлиги билан тавсифланади. [15]

Бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган давлат ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва уни бошқарувида фақат давлат миқёсидаги корхоналарни бошқарувини ўз назоратига олган ҳолда нодавлат корхоналарига давлат томонидан қабул қилинган қонун ва қарорлар орқали уларни ташкил этиш ва бошқаришда ўзининг механизмлари орқали яқиндан ёрдам беради. Гарчун ишлаб чиқариш жараёни хусусий ва давлат мулкларига асосланган ҳолда олиб борилсада, мамлакат даражаси уларнинг ишлаб чиқариш жараёни ижтимоий ишлаб чиқаришни, яратилган маҳсулотлари эса ялпи ижтимоий маҳсулот шаклида бўлиб аҳолининг иқтисодий ва ижтимоий яшаш даражаларини ривожлантиришга қаратилган деб ҳисоблаш лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришдан асосий мақсад аҳолининг турмуш шароитларини барқарор ривожлантиришга қаратилган. Давлат ўзининг механизмлари орқали:

- бозор иқтисодиёти шароитида минимал ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобига максимал даражада маҳсулот ишлаб чиқаришни;
- истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича танловга эга бўлиш учун уларнинг турларини кўпайтиришга;
- ишлаб чиқариш субъектларини эркин равишда ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан боғлиқ қарорларни қабул қилишга;
- ишлаб чиқаришда ҳамкорлик субъектларини эркин танлашга;
- ишлаб чиқаришда банд бўлган меҳнат ресурсларини ишлаб чиқаришга жалб қилишни уларнинг ихтиёрларига боғлиқлигига;
- ишлаб чиқаришда банд бўлган меҳнат ресурсларини мотивациялашга;
- ишлаб чиқаришда олинган фойдани тақсимотини ўзининг корхона ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантириш мақсадидан келиб чиққан ҳолда тақсимотни амалга оширишга асосланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес тадбиркорлик фаолиятида қуйидаги тўсиқлардан иборат:

➤ ишлаб чиқариш учун етарли даражада ишлаб чиқариш воситалари, техника ва технологияларни инновацион даражада талабга жавоб бермаслиги;

➤ ишлаб чиқаришда банд бўлган меҳнат ресурслари ўртасида ижтимоий табақаланишга эга бўлиши;

➤ меҳнат ресурсларини ишлаб чиқариш жараёнида тўлиқ бандликга эга бўлмаслиги;

➤ ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун хом-ашёларнинг етишмаслиги;

➤ ишлаб чиқариш ва истеъмол бозорлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ўзгартириши;

➤ ишлаб чиқариш субъектларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, ташкилий, молиявий ишлаб чиқариш ва истеъмол товарларини ички ва ташқи истеъмол бозорларига чиқаришдаги.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб айтганда, бу салбий ҳолатларни олдини олиш учун ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишда корхонанинг иқтисодий манфаатдорлик даражасини доимий равишда иқтисодий таҳлил қилиб бориш, улар билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш ва иқтисодий тадбирларни ички ва ташқи корхона вазиятидан келиб чиққан ҳолда тадбирлар ишлаб чиқиш зарур. Бозор иқтисодиёти шароитида асосий муаммолардан бири кичик бизнес тадбиркорлик субъектларини бир дамда ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантиришга зид бўлган муаммоларни ҳал этишни ўз вақтида бажарилмаслиги ҳисобланади. Шу билан бирга кичик бизнес тадбиркорлик корхоналарида бўладиган асосий муаммолар бу етарли даражада инвестиция маблағларининг етишмаслиги ва тижорат банкларидан кредит олишдаги муаммоларнинг мавжудлиги айниқса, кредит фоиз ставкаларини юқори эканлиги ва уни тадбиркорларни рағбатлантириш даражасини пастлиги ҳисобланади. Бу муаммолар давлат томонидан тартибга солиш механизмлари орқали ҳал қилиниши лозим.

#### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз.–Т.: –Ўзбекистон НМИУ, 2017. – 488 б.
2. Basareva V.G. *Maliy biznes Rossii: teoreticheskie osnoviy issledovaniya, modelirovanie, konsepsiya gosudarstvennogo regulirovaniya / pod red. A.S. Novoselova.* – Novosibirsk: IEOPP SO RAN, 213 – 296 s.
3. Abdullaev YO., Karimov F. *Kichik biznes va tadbirkorlik asoslari.* – T.: Mehnat, 2010. - 349 b.
4. Abduraxmonova M.M. *Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'ektlari faoliyatini davlat tomonidan qo'llab-quvvatlashni takomillashtirish. Dis. iqt. fan. nomz. - F., 2012.*
5. Gafurov U.V. *Kichik biznesni davlat tomonidan tartibga solishning iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish. Monografiya.* – T.: Moliya, 2016. – 208 b. 9
6. Jalilov, J. G. (2017). *Hedonic motivations among uzbek consumers. ISJ Theoretical & Applied Science, 34- 41*
7. Gafurov U.V. *Development of small and medium business in Uzbekistan; past, today and the future perspectives // South Asian Academic Research Journals. Vol. 6 Issue 9, September 2016. – P.196-207. (№5. Global Impact Factor 0.675).*
8. Djasurovna, S.(2020).*Marketing asoslari. Архив научных исследований, 1(12). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1492>*

9. Djasurovna, S. (2020). Strategik marketing Toshkent –Архив научных исследований извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1547>
10. Djasurovna, S. (2020). Тармоқлар ва соҳалар маркетинги. Архив научных исследований, извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1396>
11. Ganijonovich, J. J. (2016). Importance motivational methods on marketing management in the light industry enterprises. SAARJ Journal on Banking & Insurance Research, 5
12. Jalilov, J. (2020). Корхоналарнинг маркетинг фаолиятида мотивация усулларини қўллаш зарурати. Архив научных исследований,
13. Ruzieva Dilobar Isomjonovna Risks and ways to prevent them in developing the activities of small business entities. Journal of Management Value & Ethics. Special issue. Sept.-Oct. 21 Vol.11 No.04. SJIF 7.201 & GIF 0.626 ISSN-2249-9512.
14. Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ва 2021 йил учун Бюджетнома бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаси, Тошкент. 2020.-75 б.
15. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари 2020 йил. <https://www.stat.uz>
16. Ипотека банк 2020 йил учун ҳисоботи <https://www.ipotekabank.uz/upload/Annual%202020%20Uzb.pdf>
17. Муаллиф ишланмаси асосида тузилган
18. Ўзбекистон республикаси Марказий банки статистик бюллетени 2021 йил 10 ойлик.Тошкент 2021. <file:///C:/Users/Admin/Downloads/Telegram%20Desktop/MB-statistik-byulleteni-2021-yil-10-oylik.pdf>
19. Ўзбекистон республикаси Марказий банки статистик бюллетени 2021 йил 10 ойлик.Тошкент 2021. <file:///C:/Users/Admin/Downloads/Telegram%20Desktop/MB-statistik-byulleteni-2021-yil-10-oylik.pdf>
20. Jalilov, J. (2020). Маркетингда истеъмолчига йўналтирилган мотивация назариялари. Архив научных исследований.
21. Jalilov, J. G. (2018). Use of Motivation Methods used to Motivate Media in Light Industry Enterprises. Economics and Innovative Technologies, 2018, 25.

## КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ОИЛАЛАР ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИ

**Махмудов Одилжон Холмирзаевич –**

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнология институти  
“Агробизнес ва маркетинг” кафедраси и.ф.н., доцент

**Аннотация.** Мақолада оила иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг моҳияти ва зарурияти, оилаларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашда давлатнинг роли, оилаларни кичик бизнес соҳасида жалб қилган ҳолда камбағалликдан чиқариш муаммолари, оилавий табдиркорликни қўллаб-қувватлаш натижасида аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек оила иқтисодий барқарорлигини таъминлашда кичик бизнеснинг роли ёритилган.

**Калит сўзлар:** Оила, иқтисодий барқарорлик, уй хўжалиги, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий барқарорлик, оилавий бизнес, иш ўринларини яратиш, даромад, ижара, хизмат кўрсатиш соҳаси.

## РОЛЬ МАЛОГО БИЗНЕСА В ОБЕСПЕЧЕНИИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СТАБИЛЬНОСТИ СЕМЕЙ

**Махмудов Одилжон Холмирзаевич –**

Андижанский сельскохозяйственный и агротехнологический  
институт, кафедра “Агробизнес и маркетинг” к.э.н., доцент

**Аннотация.** В статье рассматриваются сущность и необходимость обеспечения экономической стабильности семьи, роль государства в социально-экономической поддержке семей, проблемы вытеснения семей из бедности путем вовлечения в малый бизнес, роль малого бизнеса в обеспечении занятости населения в результате поддержки семейного воспитания, а также обеспечение экономической стабильности семьи.

**Ключевые слова:** семья, экономическая стабильность, домашнее хозяйство, социальная поддержка, социальная стабильность, семейный бизнес, создание рабочих мест, доход, аренда, сфера услуг.

## THE ROLE OF SMALL SCALE BUSINESS IN ENSURING ECONOMIC STABILITY OF FAMILIES

**Makhmudov Odiljon Holmirzaevich –**

Andijan agricultural and agrotechnological Institute department  
of “Agro business and marketing” PhD, associate professor

**Annotation.** The article covers the essence and necessity of ensuring economic stability of the family, the role of the state in socio-economic support of families, the problems of expulsion of families from poverty through involvement in small business, the role of small business in ensuring employment of the population as a result of support of Family Outreach, as well as ensuring economic stability

**Keywords:** family, economic stability, household, social support, social stability, family business, job creation, income, rent, service sector.